

«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari
savdo kompleksi» АЖ Кузатув
кенгашининг 201_ йил
«__»_____даги қарори билан АЖ**

**«JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI
SAVDO KOMPLEKSI» АЖ мансабдор
шахсларининг малакасини ошириш
ТАРТИБИ**

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Малака ошириш шакли ва муддати
- III. Малака оширишни ташкиллаштириш
- IV. Молиялаштириш манбалари
- V. Назорат ва жавобгарлик
- VI. Ахборотни ошкор этиш
- VII. Якунловчи қоидалар

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI» АЖнинг мансабдор шахсларини малакасини ошириш Тартиби (бундан буён матнда тартиб деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 апрель 2015 йилдаги 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони (бундан буён матнда Фармон деб юритилада), Корпаратив бошқарув кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган), «JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI» АЖнинг Устави (бундан буён матнда Жамият деб юритилада) ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб Жамият мансабдор шахсларининг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Тартиб Жамият мансабдор шахсларининг назарий ва амалий билимларини чуқурлаштириш ва янгилаш, уларнинг касбий тайёргарлигини бажариладиган вазифа ва функцияларга мувофиқлигини тъминлаш, юқори касбий салойихатни қўллаб-куватлаш ва уларга юклатилган мажбуриятларни бажариш учун уларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилди.

4. Мазкур Тартиб Жамият мансабдор шахсларига татбиқ қилинади.

II. МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

5. Доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс Жамиятнинг мансабдор шахси ҳисобланади.

6. Куйидагилар Жамиятнинг мансабдор шахслари сирасига киради:

а)Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари;

б) Жамиятнинг коллегиал ижроия органи (Бошқарув) аъзолари;

в) Жамиятнинг, бош ҳисобчиси ва унинг ўринбосарлари ;

г) Жамиятнинг бош иқтисодчи;

д) Жамиятнинг юридик хизмати раҳбари ва ходимлари;

ж) акциядорлар ва инвесторлар билан корпоратив муносабатларни қўллаб-куватлаш ваколатига эга Жамиятнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

з)Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси;

и) аудиторлик сертификатига эга бўлган Жамиятнингччи аудит хизмати раҳбари ва ходимлари.

7. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ Жамият акциялар қийматининг ошишига олиб келувчи молиявий барқарорликни қўллаб-куватлаш, меҳнат унумдорлигини, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, экспорт ва энергия самарадорлигининг ўсиши, модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашни стратегик мақсад сифатида белгилайди.

Белгилаб қўйилган мақсадларга эришиш Жамиятнинг раҳбари, ижроия органи аъзолари ва бошқа мансабдор шахсларининг касбий даражасини юқори кўтариш орқали таъминланади.

8. Жамиятнинг мансабдор шахслариниг малакасини ошириш мажбурий ҳисобланади.

9. Жамиятнинг мансабдор шахслариниг малакасини ошириш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- Малака ошириш бўйича маҳсус таълим муассасаларида (ўкув марказлари, ўкув курслари) таълим дастурлари бўйича ўқитиш;

- семинар, тренингларда иштирок этиш;

- етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

10. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари 5 йилда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда малака оширишларишарт.

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва унинг ўринбосарларини малакасини ошириш Корпоратив бошқарув илмий-таълим Марказида тегишли сертификат олиш йўли билан амалга оширилади.

11. Жамиятнинг коллегиал ижроия органи аъзолари 5 йилда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда малака оширишлари шарт.

Жамиятнинг коллегиал ижроия органи аъзоларини малакасини ошириш Корпоратив бошқарув илмий-таълим Марказида тегишли сертификат олиш йўли билан амалга оширилади.

12. Жамиятнинг бош ҳисобчиси ва уларнинг ўринбосарлари 3 йилда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда малака оширишлари шарт.

Жамиятнингбош ҳисобчиси ва уларнинг ўринбосарларини малакасини ошириш Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси қошидаги ўкув курсларида ёки бошқа ихтисослаштирилган муассасаларда амалга оширилади.

13. Жамиятнинг Бош иқтисодчиси 3 йилда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда малака оширишлари шарт.

Жамиятнинг Бош иқтисодчиси малакасини ошириш иқтисодиёт соҳасидаги таълим муассасалари қошидаги ўкув курсларида амалга оширилади.

14. Жамиятнинг юридик хизмати раҳбарлари ва ходимлари (юрисконсульт ёрдамчисидан ташқари) ҳар 5 йилда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда малака оширишлари шарт.

Жамиятнинг юридик хизмати раҳбарлари ва ходимларининг (юрисконсульт ёрдамчисидан ташқари) малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги юристлар малакасини ошириш Марказида амалга оширилади.

15. Акциядорлар ва инвесторлар билан корпоратив муносабатларни қўллаб-куватлаш ваколатига эга Жамиятнинг таркибий бўлинмаси раҳбари ва унинг ўринбосарининг малакасини ошириш қимматли қофозлар бозори бўйича мутахассис малакавий аттестатига эга бўлиши ва ҳар 3 йилда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда малака оширишлари шарт.

Акциядорлар ва инвесторлар билан корпоратив муносабатларни қўллаб-куватлаш ваколатига эга Жамиятнинг таркибий бўлинмаси раҳбари ва унинг ўринбосарининг малакасини ошириш қимматли қофозлар бозори бўйича мутахассисларнинг малакасини оширувчи ва қайта тайёрловчи ташкилотларда амалга оширилади.

16. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси қимматли қоғозлар бозори бўйича мутахассис малакавий аттестатига эга бўлиши ва ҳар 3 йилда 1 мартадан кам бўлмаган ҳолда малака оширишлари шарт.

Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчисининг малакасини ошириш қимматли қоғозлар бозори бўйича мутахассисларнинг малакасини оширувчи ва қайта тайёрловчи ташкилотларда амалга оширилади.

17. Ички аудитор сертификатига эга бўлган ички аудит хизмати раҳбарлари ва ходимлар сертификат олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтиши шарт.

Ички аудит хизмати раҳбарлари ва ходимларининг малакасини ошириш аудиторларнинг жамоат бирлашмалари қошидаги аудиторларни тайёрлаш Марказида, аудиторларни ўқитиш ва малакасини ошириш лицензиясига эга таълим муассасаларида амалга оширилади.

18. Таълим муассасалари томонидан берилган сертификат, гувоҳнома ва белгиланган наъмунадаги бошқа хужжатлар Жамиятнинг мансабдор шахсларининг малакаси оширилганлигини тасдиқловчи хужжат ҳисобланади.

19. Тегишли йўналишлар бўйича турли хил семинар, тренингларда, шу билан биргаликда қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари томонидан ўтказиладиган семинарларда иштирок этиш, шунингдек, етакчи ҳорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш Жамиятнинг мансабдор шахсларининг малакасини оширишнинг қўшимча шакли ҳисобланади.

III. МАЛАКА ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

20. Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ Жамият мансабдор шахсларининг малака ошириш курсларини ўтишини таъминлашга мажбур.

21. Жамиятнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш ваколатига эга бўлган Жамиятнинг таркибий бўлинмаси – ходимларни бошқариш хизмати (Кадрлар бўлими ва х.к.) Жамият мансабдор шахсларининг малакасини оширишни ташкиллаштириш билан шуғулланади.

22. Ходимларни бошқариш хизмати белгиланган муддатларда малака ошириши шарт бўлган мансабдор шахсларининг ҳисобини юритади ва мансабдор шахслар томонидан малака ошириш курсларини ўз вақтида ўтишини назорат қилади.

23. Мазкур Тартибга мувофиқ ходимларни бошқариш хизмати ҳар йили Жамиятнинг ижроия органи раҳбарининг қарори билан тасдиқланадиган Режани ишлаб чиқади.

24. Жамиятнинг мансабдор шахсларини малакасини ошириш мазкур Тартибга мувофиқ ва тасдиқланган Режага асосан амалга оширилади.

25. Мансабдор шахсларининг малакасини ошириш ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда иш маоши сақланган тарзда амалга оширилади.

26. Малака ошириш тўғрисидаги тегишли ҳужжат (сертификат, гувоҳнома)нинг амал қилиш муддати тугашига 2 ой қолгунига қадар ходимларни бошқариш хизмати раҳбари мансабдор шахс қўшимча таълим олишининг ишлаб чиқариш заруриятини асослаб мансабдор шахсни малака оширишга юбориш ҳақида Жамиятнинг ижроия органи раҳбарига таклиф киритади.

27. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари Жамиятнинг мансабдор шахсини малака ошириш курсига юбориш тўғрисидаги буйруқни қабул қилади.

28. Жамиятнинг мансабдор шахси Жамиятнинг ижроия органи раҳбарининг бўйруғи асосида малака оширишга юборилади.

29. Жамият тегишли таълим муассасаси билан шартнома тузади.

30. Малака оширган Жамиятнинг мансабдор шахслари ходимларни бошқариш хизматига малака ошириш курсини ўтганлигини тасдиқловчи хужжат (сертификат, гувоҳнома ёки белгиланган наъмунадаги бошқа хужжат)ни тақдим этади.

31. Иш давомида малака оширишни тақозо этган мансабга киришган мансабдор шахс малака оширишдан ўтиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни имзолайди. Малака ошириш ва бошқа курслар ўтилмаган ёки рад этилган ҳолатда Жамиятнинг ижроия органи раҳбари меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

32. Ижроия органининг раҳбари томонидан малака ошириш ўтилмагандага Жамият Кузатув кенгаши унга тегишли тартибда жавобгарлик чораларини қўллашга ҳақли.

33. Жамиятнинг Кузатув кенгаши малака оширишни ўтган корпоратив маслаҳатчи, ички аудит хизмати раҳбари ва ходимларига нисбатан меҳнат шартномаларни узайтириш тўғрисида қарор қабул қиласди.

34. Малака оширишни ўтмаган корпоратив маслаҳатчи, ички аудит хизмати раҳбари ва ходимларига нисбатан Жамиятнинг Кузатув кенгаши жавобгарлик чораларини қўллаш, бажараётган мансаб мажбуриятидан вақтинча озод қилиш ёки қонунда белгиланган тартибда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

35. Малака оширишни ўтмаган Жамиятнинг бошқа мансабдор шахсларига нисбатан ижроия органи раҳбари жавобгарлик чораларини қўллаш, бажараётган мансаб мажбуриятидан вақтинча озод қилиш ёки қонунда белгиланган тартибда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ

36. Жамиятнинг мансабдор шахсларининг малака ошириш харажатлари Жамият маблағлари хисобидан амалга оширилади.

37. Мансабдор шахсларнинг малака оширишига йўналтирилган маблағлар Жамиятнинг йиллик Бизнес-режасининг ҳаражат қисмига қўшилади.

V. НАЗОРАТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

38. Жамиятнинг мансабдор шахсларининг ўз вақтида малака оширишига ижроия органи раҳбари жавобгар ҳисобланади.

39. Мазкур Тартиб талабларининг бажарилиши устидан назорат қилиш Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

40. Мазкур Тартибни бузганликда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

VI. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

41. Жамият корпоратив веб-сайтида куйидаги ахборотни жойлаштиради:

- Мазкур Тартиб, шунингдек унга киритиладиган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, тегишли қарор қабул қилинган Кузатув кенгаши баённомасининг имзолангандан кейинги 5 (беш) иш кунида;

- тасдиқланган режа асосида малака оширган Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзолари ва бошқа мансабдор шахслари тўғрисида маълумот;

- Жамиятнинг мансабдор шахслари иштирок этган семинар, тренинг ва бошқа таълим тадбирлари тўғрисида маълумот.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

42. Мазкур Тартиб Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Тартибни тасдиқлаш бўйича кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаш аъзоларининг қўпчилик овози билан ёки Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўtkазилганда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

43. Конунчилликка ўзгартиш киритилиши, Жамиятнинг Устави, ички хужжатларига ўзгартиш ва/ёки қўшимча киритилиши ва бошқа ҳолатларда мазкур Тартибга ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича кузатув кенгашининг қарори мажлисда иштирок этган Кузатув кенгаш аъзоларининг қўпчилик овози билан ёки кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўtkазилганда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

44. Агар мазкур Тартибининг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур Тартибга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар бу моддалар билан тартибга солинувчи масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормалари ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши лозим.